Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 208 (8198)

3 ноябрь пайшанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номига кўплаб телеграмма ва хатлар келиб турибди. Бу телеграмма ва хатларда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этилади.

ЧУҚУР ТАЪЗИЯЛАР

Қардош иттифоқдош республикалар Коммунистик партиялари Марказий Комитетлари, Олий Советларининг Президиумлари ва Министрлар Советлари, иттифоқ министрликлари ва давлат комитетлари, совет, касаба союз ва комсомол органлари, кўпгина жамоат ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, фан ва маданият муассасаларининг коллективлари ўз таъзияномаларини юборганлар.

Хатларда ва телеграммаларда Ўзбекистон, бутун совет халқи бошига тушган оғир жудолик хусусида ҳамдардлик билдирилади. Бу хат ва телеграммаларда халқнинг содиқ фарзанди, марксизм-ленинизм ғояларига чексиз содиқ бўлган Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси одамлар қалбида доимо сақланиб қолади, дейилади.

Ш. Р. Рашидовни ҳақиқий интернационалист, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет ҳукумати тинчликсевар сиёсатининг содиқ давомчиси деб билган кўпгина чет эллик арбоблар ҳам ўз таъзияномаларини юборганлар.

(ЎзТАГ).

ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ



Ш. Р. Рашидов хотирасига бағишланган мотам митинги.

ЎзТАГ фотоси.

Совет кишилари жуда оғир жудоликка учрадилар. Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Шароф Рашидович Рашидовни ажал сафларимиздан юлиб кетди.

2 ноябрь куни эрталабдан бошлаб минг-минглаб тошкентликлар, республика аҳолиси В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига бориб, марҳумнинг жасади солинган тобутни кетма-кет зиёрат қилиб турдилар.

Мотам куйлари таралади. Тобора янги-янги гулчамбарлар олиб кирилади. Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Арманистон, Эстония Компартиялари Марказий Комитетларидан, Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларидан, КПСС Иваново область комитети ва область ижроия комитетидан келтирилган гулчамбарлар тобут атрофига қўйилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, Киргизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғапуров, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Имашев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси К. Маҳкамов, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири В. И. Смирнов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Г. М. Орлов, К. Рзаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, СССРнинг космонавт-учувчилари В. А. Жонибеков, О. Г. Макаров, В. И. Севастьянов, А. А. Серебровлар тобут ёнида фахрий қоровулликда турадилар. Ҳиндистон (марксистик) Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси Басавапуннайя, Афғонистон Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Ҳабиб Мангал, Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Пунцагийн Дэчин, Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Муҳаммад Насим Жўя, Франция, Лангедок ва Руссильон вилоятлари умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари С. Флеранс, ҳозир Тошкентда турган бошқа чет эллик меҳмонлар ҳам улар билан бирга бўлдилар.

...Ш. Р. Рашидов жасади ёнига одам қўйиш тўхтатилади. Тобут ёнида марҳумнинг қариндошлари ва ёрубиродарлари қоладилар.

Кундуз соат 12 да мотам митинги бошланади. Митингни дафн қилишни ташкил этиш ҳукумат комиссиясининг раиси И. Б. Усмонхўжаев очади.

И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати азиз Шароф Рашидович Рашидов энди орамизда йўқлигини англаш бениҳоя оғир. Доно ва ғоят тажрибали катта ўртоғимиз, дўстимиз ва оғамиз энди орамизда йўқ, биз унинг ўз тенгдоши бўлган революция ишига чексиз садоқати учун, нодир собитқадамлиги учун, ўткир масъулият туйғуси, одатдан ташқари камтарлиги учун уни ҳаммамиз астойдил яхши кўрар эдик.

Ўзи қарийб чорак аср мобайнида самарали раҳбарлик қилган республика партия ташкилоти учун, жонажон Ўзбекистон учун Шароф Рашидович қилган ишларни санаган билан адо бўлмайди. Бизнинг ҳар бир ютуғимизга у ўз ҳиссасини қўшди, шу ютуқларнинг ҳар бири билан у ҳақли равишда фахрланарди. У оташин интернационалист бўлганлиги учун ўзбеклар диёрида совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги ҳозиргидек равнақ топганига ичичидан қувонар эди. Бизнинг бу ютуғимизни у ҳақли равишда энг салмоқли ютуқ деб ҳисоблар эди.

Шароф Рашидович куч-қуввати барқ уриб турган бир пайтда, командировкада вафот этди. У сўнгги бор кўрган нарсалар Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг саховатли пахтазорлари бўлди. У омма орасида, қайноқ ҳаёт қучоғида бўлишни севар, партиявий ишни бундан бошқача тасаввур этмас эди. Республикада унинг оёғи етмаган бурчак йўқ. У одамларнинг дилини тушунарди, уларнинг фикр-ўйлари ва манфаатларини кўзлаб яшарди. У минг-минглаб меҳнатчиларни шахсан танирди, уларнинг исмию, отасининг номини биларди. Одамлар ҳам унинг тинимсиз ғамхўрлигига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан жавоб қайтарар эдилар. Деҳқоннинг ўғли, ўзбек диёрининг шонли фарзанди Шароф Рашидович ўқитувчи, журналист бўлди, партия сафига кирди. Чунки у порлоқ эртанги кунни Коммунистик партиясиз тасаввур қилмас эди. «Қўзғал, бепоён Ватан!» деган даъваткор чақириқ эшитилиши биланоқ у Ватан ҳимоясига отланди, немис-фашист босқинчиларга қарши жангларда оғир жароҳатланди. Партиявий, журналистик иш, ёзувчилик иши, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси масъулиятли лавозими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлик юксак лавозими — унинг тақлид қилса арзийдиган ажойиб ҳаёт йўлидаги асосий босқичлардир.

Партия Шароф Рашидович Рашидовни партия ва давлат қурилишининг қайси участкасига юбормасин, ҳамма жойда у партия сиёсатини амалга оширишда қатъият, ижодий ташаббускорлик ва ижодкорлик, ҳаваскилса арзийдиган серғайратлик ва сабот-матонат намуналарини кўрсатиб, оммани моҳирона жипслаштириб ва руҳлантириб, юксак пировард натижани таъминлаб келди. У коллектив бўлиб ишлашни, коллегиалликни яхши кўрар эди. У ҳамиша хайриҳоҳлик руҳини тарғиб қиларди, қалби дарёлигича ва саховати билан, одамларга ҳурмати билан ибрат кўрсатарди. Ташаббус, ватанпарварлик ишлари ҳақида гап очилганида унинг қулфи дили очилиб кетарди, новаторларни айниқса севарди. Унинг тилида «новатор» сўзи инсоннинг ишчанлик фазилатларига берилган энг яхши таъриф эди. Шароф Рашидович ёшларга оталарча меҳрибонлик қилиши билан ҳам ажралиб турарди. Шароф Рашидович Рашидовнинг халқаро обрў-эътибори юксак эди. У меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш ишига, миллий сиёсатни амалга оширишга катта ҳисса қўшди. Унинг бутун ҳаёти — партияга садоқат билан хизмат қилиш. КПСС XXVI съезди белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш намунасидир.

Садоқатли ленинчи коммунист, бениҳоя меҳрибон ва қалби дарё инсон — Шароф Рашидович Рашидов орамиздан кетди. Аммо унинг шонли ишлари, унинг порлоқ сиймоси ҳамиша биз билан бирга қолади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг топшириғига биноан мотам митингини очиқ деб эълон қилишга ижозат бергайсизлар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгихга сўз берилади.

В. И. ДОЛГИХ нутқи

Ўртоқлар!

Бугун биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, биз учун азиз Шароф Рашидович Рашидовни сўнгги йўлга кузатиб қўймоқдамиз. Унинг бевақт вафоти совет кишиларининг қалбларига чуқур қайғу солди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Шароф Рашидович Рашидовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Олий Советига, Министрлар Советига, коммунистлар ва меҳнаткашларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Барча қардош совет республикаларининг коммунистлари, халқлари бу оғир жудоликда сизлар билан бирга қайғуриб, сизларга ҳамдард бўлмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, бутун ҳаёти коммунизм қурилиши улуғ ишига тўла-тўкис бағишланган қалби дарё, оташин ва кўп қирали истеъдод соҳиби бўлган инсон орамиздан кетди.

Шароф Рашидовичнинг бутун катта ҳаёти, Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар йўли, ажойиб меҳнат фаолияти Ленин партиясига, социалистик Ватанимизга астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Унинг қобилияти ва ташкилотчилик истеъдоди Самарқанд область партия комитетида, республика газетаси редакциясида, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида эгалланган раҳбарлик лавозимларида айниқса тўлиқ намоён бўлди.

Шароф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида Ўзбекистон партия ташкилотига бошчилик қилиб, ўзининг бутун ғайрат-шижоатини, би лимлари ва ғоят бой тажрибасини республика экономикаси, фани, маданияти ва санъатини ривожлантириш ишига, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга бағишлади.

Шу йиллар мобайнида меҳнатсевар ўзбек халқининг куч-ғайратлари, мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли Ўзбекистон социал-иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадам қўйди. Бу ерда қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали, индустриянинг янги тармоқлари — энергетика, рангли металлургия, электротехника, радиоэлектроника, химия, машинасозлик вужудга келтирилди. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги талай даражада ошди. Республиканинг қишлоқ хўжалиги юксак марраларга кўтарилди, республика мамлакатнинг асосий пахтачилик базасига айланди. Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларидаги ерларнинг ўзлаштирилганлиги, зилзиладан шикастланган республика пойтахти — Тошкент шаҳри қайта тикланганлиги чинакам меҳнат жасорати бўлди.

Эндиликда республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасида зўр ғайрат билан самарали меҳнат қилмоқдалар. Республика партия ташкилоти интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Республика корхоналарида, қурилишларида, колхоз ларида ва совхозларида, хуллас ҳамма жойда зўр меҳнат шижоати ҳукм суриб,

(Давоми иккинчи бетда).



СУРАТДА: СССР халқлари дўстлиги майдонида.

ЎзТАГ фотоси.

В. И. ДОЛГИХНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Тошкентга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих республика партия ташкилотининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги иши билан танишди.

В. И. Долгих шаҳар бўйлаб сафар қилди, метрополитенни, янги қурилиш районларини кўздан кечирди, капитал қурилишнинг бориши, қурилиш ишларининг сифати, янги технологиянинг қурилишларда жорий этилаётганлиги, илғор тажрибанинг оммалаштирилиши билан қизиқди. У барча куч ва воситаларни халқ хўжалик объектларини, уй-жойларни тезроқ ишга тушириш учун сафарбар этиш, аҳоли талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шаҳар транспорти, савдо корхоналари ишини такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш масалалари ҳамиша партия, совет, хўжалик органларининг диққат марказида туриши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Транспорт, маиший хизмат ва савдо хизмати ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаси уларнинг ўз иҳтиёрларида бўлган барча имконият ва резервлардан тўлароқ фойдаланишдан, мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишдан иборат.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев В. И. Долгихга ҳамроҳлик қилди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ

Хоабиндаги гидроэнергетика комплекси, Қизил дарё устидаги Тханг-Лонг кўприги, Бимшондаги цемент заводи — социалистик Вьетнамдаги мана шу ва бошқа ўнлаб йирик объектлар Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан барпо этилмоқда. Москва меҳнаткашлари вакилларининг иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида муттасил ривожланиб бораётган Совет—Вьетнам қардошларча дўстлик муносабатларининг кўпдан-кўп фактлари келтирилди. Йиғилиш 1 ноябрь куни Союзлар уйининг Колонна залида бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари президиумдан жой олдилар.

Докладчи — Совет—Вьетнам дўстлиги жамияти марказий правлениеси раисининг ўринбосари, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. М. Калашников ўтган беш йил шартномасининг тарихий аҳамиятга эга эканлигини батафсил тасдиқлаганлигини айтди. Бу шартнома Совет—Вьетнам муносабатларининг бутун комплексини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди.

Вьетнам — Совет дўстлиги жамияти делегациясининг бошлиги, ВКП Марказий Комитети аъзолигига кандидат Чан Дик Лионг шартнома Вьетнам-Совет ҳамкорлигини муттасил ривожлантиришга кўмаклашганлигини, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорлик учун курашнинг ишончли омили бўлиб қолганлигини қайд этиб ўтди.

(ТАСС).

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

БЎКА. Пахтазор чинакамига жасорат майдонига айланган бугунги кунда далаларда ёш ҳам, қари ҳам бирдек меҳнат қилаётир. Бўка шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер отахон ва онахонлар ҳам бу курашдан четда қолишмаяпти. Долтибой ота Ҳусанов, Қаршибой ота Жониқулов, Маҳкам ота Ғойибназаров, Қундузхон ая Ҳусанова, Эрназар ота Тошевлар бу йил 2—2,5 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган.

Н. ТУРСУНОВ.

●

Бу йил мактабимиз коллективи Ғалаба районининг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида пахта термоқда. Синфлараро бригада ташкил этилганлиги ва улар орасида мусобақа уюштирилганлиги ишимизда қўл келмоқда.

Ўтган йили теримни худди шу тарзда уюштириб бир неча марта район ва область кўчма Қизил байроқларини қўлга киритган ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган эдик. Бу йилги ғайратимиз ҳам чакки эмас. Яқинда яна область мусобақасидаги мукофотларга сазовор бўлдик. Бу ютуқлар бизни янада шижоат кўрсатиб ишлашга чорламоқда.

А. САТТОРОВ,
Оҳангарон шаҳридаги Фурқат номли 2-мактабнинг директори.

●

Шу кунларда Чиноз район соғлиқни сақлаш ходимлари пахтакорларга актив ёрдам бермоқдалар. Улар кунига 20—30 килограммдан пахта — 70—80 килограммдан подбор териб район хирмонига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Дала меҳнаткашлари врачлар уюштираётган лекция ва суҳбатлардан ҳам миннатдор. Бу ишда У. Абдурасулова, Ў. Шерматова, П. Тупишев, М. Раҳбаров, А. Жамолбоев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Т. ЖУРАБОЕВ.

●

УРТА ЧИРЧИҚ. «Педагог-83» зарбдор отрядни аъзоларининг хирмонлари 100 тоннадан ошди. Район ёш ўқитувчиларидан тузилган бу отрядга 100 киши бирлашган. Улар Терешкова номли колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Сўнгги беш кунлик якунига кўра отряд ҳашарчилар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада ғолиб деб топилди.

С. МУСАЕВ.

●

РЕСПУБЛИКАМИЗ партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига ўзларининг амалий ишлари билан жавоб бераётган Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг Исатой Умаров бошлиқ бригадаси аъзолари теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Бригада механизаторлари Ҳолбой Субанов ва Амир Жўраевлар шу кунгача 110—120 тоннадан зиёд пахтани «зангори кема» бункеридан тўкишди.

Айни кунларда бригадада қўл терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Чевар теримчилардан Ойимхол Ортиқбоева, Баҳринисо Қорабекова, Фарида Туратова, опа-сингил Дилбар ва Хайри Жўраевалар кунлик нормаларидан ошириб пахта териб, хирмонга барака киритишмоқда. Уларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 2,5—3 тоннадан ошди.

Бригада аъзолари Улуғ Октябрь байрамини меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бутун куч ва имкониятларини сарфлашмоқда.

П. ЭРГАШЕВ.

ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

(Боши биринчи бетда).

ишга ижодий муносабатда бўлинмоқда. Бунда эса Шароф Рашидович Рашидовнинг хизмати ғоят каттадир. Партия сиёсатини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун курашга одамларни илҳомлантириш ва уюштириш, кадрларни йўналтириш — энг сўнгги дамларгача унинг ҳаётининг мазмунини ташкил этган эди.

Шароф Рашидович Рашидов катта партиявий ва давлат фаолиятини публицистик ва адабий иш билан моҳирона қўшиб олиб борди. У йирик совет ёзувчиси, кенг кўламда маълум бўлган романларнинг, адабиёт, интернационал тарбия ва халқлар дўстлиги актуал проблемаларига доир фундаментал асарларнинг авторидир. У тинчликни мустаҳкамлаш, СССРнинг бошқа давлатлар билан, айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш учун кўп иш қилди, илғор халқаро ташкилотларнинг фаолиятига актив кўмаклашди. Коммунистик партия ишига астойдил содиқлик, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият, ғоявий эътиқод ва принципиаллик, социалистик интернационализм— ҳамиша ва ҳар ишда Шароф Рашидовичга мана шундай хусусиятлар хос бўлиб, булар бизнинг унутилмас дўстимиз ва ўртоғимизнинг ажойиб фазилатлари эди. Шахсий камтарлик, кишиларга меҳрибонлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш унга хос сифатлар эди. Мана шуларнинг ҳаммаси уни меҳнаткашларнинг ялпи иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига, партиямиз ва мамлакатимизда муносиб обрў-эътиборга сазовор қилди.

Шароф Рашидович Рашидов партия XXII съездидан буён унинг Марказий Комитети аъзоси, 1961 йилдан— КПСС Марказий Комитети Президиум аъзолигига кандидат, 1966 йилдан буён эса, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат эди. У учинчи — ўнинчи чақириқлар СССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Ватан унинг фаолиятини юксак баҳолади. Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги ғоят катта хизматлари, республика экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Шароф Рашидович Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига икки марта сазовор бўлди, ўн марта Ленин ордени билан, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, иккита Қизил Юлдуз ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланди. Унга Ленин мукофоти лауреати унвони берилган.

Биз Шароф Рашидович билан чуқур қайғуриб видолашмоқдамиз. Марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига, унинг барча дўстлари ва сафдошларига ғоят самимий ҳамдардлик туйғуларини изҳор этамиз.

Ўзининг бутун ҳаётини Коммунистик партия ишига, Улуғ Ватанимизга бағишлаган Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Алвидо, азиз дўстимиз ва ўртоғимиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров сўзга чиқади.

Т. Н. ОСЕТРОВ нутқи

Ўртоқлар!

Қалбларимиз чексиз қайғу-алам билан тўлиб тошган. Республика партия ташкилоти, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари ғоят оғир жудоликка учрадилар.

Сафдошимиз, дўстимиз ва ўртоғимиз, йирик ташкилотчи ва истеъдодли раҳбар, дилкаш ва самимий инсон Шароф Рашидович Рашидов орамизда йўқлигини англаш мушкулдир.

Шароф Рашидович Рашидов матонатли коммунист, оташин курашчи, интернационалист, халқлар ленинча дўстлиги йўлидаги курашчи эди. У ўзининг бутун ёрқин ҳаётини партия ишига, коммунизм идеалларига, улуғ Ватанимизга, совет халқига тўла-тўкис бағишлади. Бутун Ленин партиясига хос фазилатлар унинг ҳаёти ва фаолиятида намоён бўлди.

Республикамиз эришган кўпдан-кўп катта ютуқлар Шароф Рашидович Рашидов номи билан боғлиқдир. У хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ўзига хос ғайрат-шижоат ва фидокорлик, ишчанлик ва принципиаллик билан ўртага қўйиб, уларнинг муваффақиятли ҳал этилишига эришар эди. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи кўпгина тармоқлари унинг ташаббуси билан вужудга келтирилди ва гуркираб ривожлантирилди.

Қатъият ва иш тўғрисида жон куйдириш, кишиларни жипслаштириш ҳамда уларни юксак пировард натижаларга эришишга сафарбар этиш маҳорати пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни муттасил кўпайтириб боришда айниқса яққол намоён бўлди.

Шароф Рашидович Рашидов қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, ленинча нормалар ва анъаналарга ҳамиша амал қилиб келди. Батамом фидокорлик, ишнинг асосий йўналишларида бўлишга шайлик, ҳамиша ва ҳар ишда бошқалар учун ўрнак бўлиш унга хос фазилатлар эди. Ҳамиша унинг сўзи билан иши бир эди. У партия ташкилотларининг жанговарлигини, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга эришиш учун сабот билан ҳаракат қилиб келди, ҳамиша одамлар орасида бўлиб, уларни ўргатди ва ўзи ҳам улардан ўрганди, раҳбар партия, совет ва хўжалик кадрларини юксак талабчанлик ва интизом, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашиш руҳида тарбиялади.

Кишиларга, уларнинг фикрларига астойдил ҳурмат билан қараш, донишмандлик ва билимдонлик, партиявий принципиаллик, талабчанлик, қарорларни коллектив бўлиб ишлаб чиқиш, масъулиятни ўткир ҳис этиш, ниҳоятда самимийлик ва камтарлик шу атоқли раҳбарнинг порлоқ сиймосидан ажралмас фазилатлардир. Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Секретариатининг, бутун аппаратининг қийин, аҳил ва жўшқин ишини уюштиришдек ноёб истеъдоди ва маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. У ғоят хилма-хил юмушлар, катта ва кичик ишлар, кўпдан-кўп оддий ва мураккаб масалалар орасида ҳамиша асосий, ғоят муҳим проблемаларни — ишлаб чиқарувчи кучларни, экономика ва маданиятни ривожлантириш проблемаларини ажрата билар эди. Шароф Рашидович омманинг эътироф этилган етакчиси сифатида область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг энг самарали фаолият формалари ва методларини қидириб топишга қаратилган ишида жўшқинлик, аниқ-пухталикка, ишда маданиятни оширишга эришиш учун ҳаракат қилиб келди. Ишдаги ўртоғи учун у шунчаки раҳбаргина эмас, балки самимий ва меҳрибон мураббий ҳам эди.

Катта авлодга мансуб кишилар уни оқсоқол деб эъзозлашар, ёшлар эса ота деб аташарди. Шароф Рашидовични чин қалбдан, астойдил ҳурмат қилишлари, унинг баҳодирона олижаноб меҳнатини, унинг сиёсий етуклиги ва маънавий поклигини тушунишлари туфайли у ана шундай эътироф этилди.

Шароф Рашидович Рашидов меҳнат аҳлининг фаровонлиги, бахт-саодати тўғрисидаги уй-фикр ва юмушлар билан яшади, ўзини ҳеч қачон аямади, бутун кучини сарфлаб ишлади, партия ишониб топширган иш учун ҳамиша астойдил жон куйдирди.

Ҳурматли ўртоқлар, Марказий Комитетни, Совет ҳукуматини ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, биз бундан буён ҳам партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумларининг режаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг кўрсатмаларини амалга ошириш борасида Шароф Рашидович каби зўр ғайрат билан самарали ишлайверамиз, коммунистик қурилишда тобора янги-янги муваффақиятларга эришаверамиз.

Республиканинг ҳамма коммунистлари, барча меҳнаткашлари совет халқининг шонли фарзанди, партия иши учун садоқатли ва матонатли курашчининг порлоқ хотираси олдида бошларини қуйи эгиб, Шароф Рашидовичнинг рафиқаси ва содиқ дўсти муҳтарам Хурсанд Ғафуровна, Сизга, Шароф Рашидовичнинг фарзандларига, укаларига ва яқин кишиларига чин қалбдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этадилар.

Шароф Рашидовичнинг орамиздан кетганлиги тўғрисида гапириш мушкул. Жудолик қайғу-аламини сўз билан ифода этиб бўлмайди. Биз уни юксак партиявийлиги, ленинча камтарлиги, соддадиллиги ва инсонийлиги, вазмин мулоҳазалилиги ва ғоят дилкашлиги учун ҳурмат қилардик ва севардик. У бизнинг қалбларимизда ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Алвидо, азиз дўстимиз ва биродаримиз, азиз Шароф Рашидович.

Жиззах областидаги Ульянов номли совхоз бригадири Х. Рустамова микрофон олдига келади.

Х. РУСТАМОВА нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз ҳаммамиз оғир дамларни бошдан кечирмоқдамиз, чуқур мусибатдамиз. Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, оташин ватанпарвар ва интернационалист, ишчи-деҳқонларнинг доно устози ва мураббийси, ғоят қадрдон ва севимли Шароф Рашидович Рашидовни барча совет кишилари билан бирга сўнгги йўлга кузатмоқдамиз.

Азиз отахонимиз Шароф Рашидович Рашидов республика халқ хўжалигини, маданиятини юксалтириш, айниқса пахтачиликни комплекс ривожлантириш, хотин-қиз механизаторларни тарбиялаш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик кўрсатиб келди. Оталиқ меҳр-муҳаббати билан биз, пахтакорларга бебаҳо маслаҳатлар берган, оналар ва болалар бахтини авайлаган улуғ инсон билан видолашиш нақадар қайғулидир.

Қадрдон Шароф Рашидовичнинг партия ишига чексиз эътиқоди, коммунистларча принципиаллиги ва қатъияти, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлиги, бениҳоя зўр меҳнатсеварлиги ва камтарлиги биз ёшларга ҳамиша ўрнак бўлиб қолади.

Жиззах областининг тақдири ғоят зўр қобилият соҳиби, ноёб дилкаш инсон Шароф Рашидович номи билан чамбарчас боғлангандир. Бу ерда у туғилиб ўсди, шу ерда комсомол ва Ленин партияси сафига кирди.

Партия ва давлат ишлари билан ғоятда банд бўлишига қарамай, Шароф Рашидович ҳеч қачон туғилиб ўсган юрти, унинг одамлари билан алоқасини узмади. У областимиз ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келди. Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи йилларида бу қаҳрамонона курашга Шароф Рашидович етакчилик қилганлигини, унинг донишмандлиги туфайли Мирзачўл ва Жиззах, Қарши ва Сурхон — Шеробод даштлари серҳосил пахтазорларга, яшнаган боғ-роғларга айланганини авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда обод бўлиб, гуллаб-яшнаётган серқуёш республикамиз, жумладан Жиззах областининг қад кўтараётган ҳар бир биноси, равнақ топаётган боғ-роғлари ҳамюртимиз Шароф Рашидовичнинг ёрқин хотирасини эслатиб туради.

Биз шуни яхши биламизки, севимли Ватанимиз, тинчлик ва коммунизм йўлидаги фидокорона меҳнатимиз қадрдон Шароф Рашидович учун энг яхши ёдгорлик бўлади.

Алвидо деб айтишга тилим бормайди, азиз отажоним. Сиз халқимиз қалбида абадий яшайсиз.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Э. Миркомилов нутқ сўзлайди.

Э. МИРКОМИЛОВ нутқи

Ўртоқлар!

Шароф Рашидович Рашидов билан видолашилаётган шу оғир дамларда қалбларимиз қайғу-алам билан тўлиб тошди. Ёш авиасозлар, республиканинг барча комсомоллари ва ёшлари унинг бевақт вафоти муносабати билан ғоят катта жудолик қайғусидадирлар.

Бутун умрини сўнгги нафасигача Коммунистик партия буюк ишига, совет халқи учун хизмат қилишга бағишлаган киши орамиздан кетганлигини ҳис этиш ачинарлидир.

Октябрь тенгдоши, қаҳрамонона беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Шароф Рашидович Рашидов муаллимликдан Советлар мамлакатининг йирик партия ва давлат арбоби даражасига қадар ёрқин йўлни босиб ўтди.

Шароф Рашидович республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга қанчалик кўп куч-ғайрат, ақл-идрок ва билим сарф қилганлиги биз, Ўзбекистон ёшларини ҳамиша қойил қолдирарди. У комсомоллар, ёшлар билан учрашувларда, оталарча маслаҳатлари ва ўгитларида бизни ҳамиша ленинча, коммунистча яшаш ва меҳнат қилишга ўргатарди. Биз ундан Ватанни қизғин севишни, қийинчиликларни бартараф этишни, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм принципларига ҳамиша содиқ қолишни ўргандик.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Шароф Рашидовичнинг ёрқин ҳаёти йигит-қизлар учун ҳамиша партиямиз ишига астойдил садоқатнинг ажойиб тимсоли бўлади. Биз комсомоллар оталаримиз ва оналаримиз ишига ҳамиша содиқ қоламиз, барча авлод коммунистларининг буюк ғалабаларини кўз қорачиғидек асраймиз ва кўпайтириб борамиз, тинчлик посбонлигида қаттиқ турамиз деб, Коммунистик партияни, қаҳрамон совет халқини ишонтирамиз. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг порлоқ хотирасини ҳамиша қалбларимизда сақлаймиз. Алвидо, азиз устозимиз Шароф Рашидович. Сизнинг самарали фаолиятингиз, Ленин идеалларига фидокорона садоқатингиз, юксак инсонийлик сифатларингиз биз учун ҳамиша илҳомбахш ўрнак бўлиб қолажак.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов республика зиёлиларининг чуқур қайғуси тўғрисида гапиради.

О. С. СОДИҚОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Барча меҳнаткашлар сингари республика зиёлилари ҳам таниқли партия, давлат ва жамоат арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафоти хусусида чуқур қайғудадирлар.

Партиямизнинг тарихий режаларини амалга ошираётиб, ўзининг ҳамма куч-ғайратлари, билими ва катта тажрибасини, саховатли қалбининг бутун кўрини халққа берган киши энди орамизда йўқ деган фикр билан муроса қилиш қийин.

Ш. Р. Рашидов кўпгина муҳим партия ва давлат ишлари орасида республикамизда илмий тафаккурни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётини тезлатишга ҳамиша катта эътибор бериб, унинг тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келарди. У ҳозирги босқичдаги шу туб проблемани ҳал этишга илм-фан пойдевори кишининг энг эрта ёшида ҳосил қилишини кўра биладиган ҳақиқий мутафаккир сифатида ёндашарди.

У мактабгача жамоат тарбиясига ҳам, умумий таълим мактабларининг эҳтиёжларига ҳам, ўрта ва олий таълимни ривожлантиришга ҳам оталарча ҳақиқий ғамхўрлик ва диққат-эътибор билан қараганлигини ҳаммамиз биламиз. Албатта у ёш олимларнинг бунёдга келишига, илмий куч-қувватларни илм-фаннинг янги катта йўналишларига жамлашга ҳамма чоралар билан қўмаклашарди. У илмий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга, ишлаш ва ижодий камол топиш учун энг қулай шароитлар яратишга кўп эътибор берарди. Унинг ҳаракатлари туфайли республикада кўпдан-кўп юксак малакали педагог ва олимлар ўсиб етишди, қудратли илмий-техникавий потенциал вужудга келди.

Шароф Рашидович жамики янгиликларнинг, илғор ишларнинг эҳтиросли ва толмас тарафдори эди, олимларни муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемаларни ҳал этишга йўллар деб бемалол айта оламиз.

Бугун азиз Шароф Рашидович билан дилимиз куйиб видолашаяпмиз. Совет Ўзбекистонининг олимлари одамларимизга ленинча партия даъват этаётган тараққиётни таъминлаш учун фан ва техниканинг ҳамма жабҳаларида янада актив ва уюшқоқлик билан меҳнат қилишни ўз бурчлари деб биладилар.

Алвидо, азиз устоз Шароф Рашидович!

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров нутқ сўзлайди.

М. Ғ. ҒАПУРОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизга азиз Шароф Рашидович Рашидовнинг дафн маросимига келган қўшни қардош республикаларнинг вакиллари унинг олдида бошларини қуйи эгадилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабар қардош республикаларимиз коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг қалбларини қайғу-аламга тўлдирди.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини коммунизм идеалларига, буюк Ватанимизга, совет халқига хизмат қилишга бағишлаган, бутун куч-қувватини, ташкилотчилик истеъдодини Совет Ўзбекистонининг экономикаси, маданиятини равнақ топтиришга бағишлаган ажойиб инсон, матонатли ленинчи коммунист, социалистик мамлакатимиз оташин ватанпарварининг қайноқ қалби уришдан тўхтаганлигига ишониш қийин, буни ҳис этиш оғир ва аламлидир.

Шароф Рашидович оддий ходимдан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретарига қадар катта ва шонли меҳнат йўлини босиб ўтди ва шу лавозимда йигирма тўрт йилдан кўпроқ хизмат қилди. У ўзига топширилган партия, совет, хўжалик фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ўзига хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилди, ишни яхши билиш, ташаббускорлик намуналарини кўрсатди, юксак даражада масъулиятли, камтар, меҳнатсевар, ниҳоятда дилкаш киши эди.

Совет Ўзбекистони коммунистик бунёдкорликнинг ҳамма соҳаларида эришган ажойиб муваффақиятлар унинг номи билан, толмас ташкилотчилик фаолияти билан боғланган.

Қардош республикаларимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Шароф Рашидович Рашидовни ғоятда қадрлар ва ҳурмат қилар эдилар.

Интернационалист ленинчи, унутилмас Шароф Рашидович Рашидовнинг дил саховатлари қардош республикаларимиз ўртасидаги қалин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини нурафшон қилиб турарди.

Букилмас иродали, юксак партиявий принципли, ниҳоятда ишчан ҳамда ўзига ва қўл остидагиларга талабчан, буюк Ленин ишига бениҳоя содиқ киши орамиздан кетди.

Шароф Рашидович Рашидов энди орамизда йўқ. Бу қардош республикаларимизнинг барча коммунистлари ва меҳнаткашлари учун катта жудоликдир. Бугун азиз дўстимиз, оғамиз ва ўртоғимиз Шароф Рашидович билан видолашар эканмиз, партиямиз XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишдаги, у ўзининг бутун ёрқин ҳаётини бағишлаган коммунизм қуриш буюк иши йўлидаги фидокорона меҳнатларимиз унинг тўғрисидаги энг яхши хотира бўлиб қолишини равшан ҳис этамиз.

Алвидо, азиз Шароф Рашидович. Партиямиз ва халқимизнинг содиқ фарзанди Сиз тўғрингиздаги хотира, Сизнинг порлоқ сиймоингиз ва ишларингиз қалбларимизда ҳамиша қолажак.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Ю. П. Максимов митинг қатнашчиларига мурожаат этиб нутқ сўзлайди.

Ю. П. МАКСИМОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Республиканинг барча меҳнаткашлари каби Туркистон округи жангчилари ҳам партиямиз ва давлатимизнинг таниқли арбоби, оташин ватанпарвар ва интернационалист Шароф Рашидович Рашидов бевақт вафот этганлигидан чуқур қайғурмоқдалар.

Республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги, мамлакатимиз халқлари улуғ ленинча дўстлигини мустаҳкамлашдаги катта-катта ютуқлар Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, салкам чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилган Шароф Рашидовичнинг номи билан боғлиқдир.

Биз, Туркистон округи жангчилари ғоят оғир жудолик аламини алоҳида қайғу билан бошдан кечирмоқдамиз. Хўжалик қурилиши вазифалари билан бир қаторда мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш ва унинг қуролли кучларини мустаҳкамлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшган партия ва давлат раҳбари ҳаётдан кўз юмди.

Шароф Рашидович округ ҳарбий кенгашининг аъзоси сифатида Ватаннинг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қисмлари ҳамда қўшилмаларининг жанговар ва сафарбарлик жиҳатидан шайлигини ошириш масалалари билан чуқур шуғулланар эди. Биз округ зиммасига юкланган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишда доимо унинг эътибори, мадади ва ёрдамини сезиб турдик.

Шароф Рашидович ҳарбий гарнизонларда тез-тез бўлиб, солдатлар ва офицерлар билан учрашиб турарди, у солдат қалбини яхши билар, машаққатли ҳарбий меҳнатни юксак қадрлар, жангчилар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилар эди.

Шароф Рашидович меҳнаткашларни ва аввало ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишга ташкилотчи ва пропагандистга хос ниҳоятда зўр ғайрат-шижоатини, истеъдодини сарфлади. Республикада бевосита унинг таъсири билан ёшларнинг армияга чақирилмасдан олдин рус тилини ўрганишлари соҳасида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда, бу эса армия учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Улуғ Ватан урушида ўзи қатнашган, фашист босқинчиларга қарши жангларда шахсий жасорат, матонат ва мардлик кўрсатган, жангларда оғир ярадор бўлган Шароф Рашидович уруш қатнашчилари тўғрисида, қуролли кучлар ҳамда округ ветеранлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди. Шароф Рашидовичнинг вафоти уларнинг қалбларини, Октябрь ғалабаларини қўлига қурол олиб ҳимоя қилган барча кишиларнинг қалбларини оғир қайғу-аламга тўлдирди.

Шароф Рашидовичнинг бутун ҳаёти Ленин партияси иши учун, халқ манфаатлари ҳамда Ватанни равнақ топтириш учун курашга бағишланган эди. У сўнгги дақиқагача партия билан қуролли кучларнинг фаол солдати бўлиб қолди.

Ленинчи коммунист, буюк меҳнаткаш, истеъдодли ва доно раҳбар, самимий ва меҳрибон инсон — Шароф Рашидович Рашидовнинг сиймоси туркистонлик жангчиларнинг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Алвидо, азизимиз Шароф Рашидович!

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. А. Ананьев оғир жудолик тўғрисида гапиради.

А. А. АНАНЬЕВ нутқи

Уртоқлар!

Бугун биз Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, республиканинг иқтисодий ва маданий ҳаётига узоқ вақтлар давомида самарали раҳбарлик қилиб келган ҳаммамиз учун азиз Шароф Рашидовични қалбларимиз қайғу-аламга тўлган ҳолда сўнгги йўлга кузатиб қўймоқдамиз. У халқнинг меҳр-муҳаббати ҳамда иззат-ҳурматига сазовор бўлган таниқли партия ва давлат арбобигина эмас, шу билан бирга йирик совет ёзувчиси ҳам эди. Унинг китоблари иттифоқдош республикалар халқларининг барча тилларида ва чет элларда кўп марта қайта-қайта нашр этилган. Совет адабиёти катта жудоликка учради. Янги жамиятнинг курашчи санъаткори, бунёдкор санъаткори, реалист санъаткор, ўзининг партия ва давлат фаолияти билангина эмас, балки кишиларнинг қалбларидан жой олган бадиий каломи билан ҳам меҳнатнинг бунёдкорлик гўзаллигини, эзгуликнинг гўзаллигини, Ватанга меҳр-муҳаббатни қарор топтирган матонатли ленинчи совет адабиёти сафларидан кетди. Мамлакатимиз учун оғир бўлган уруш йилларида ёзилиб босиб чиқарилган «Қаҳр-ғазабим» номли биринчи китобидан ўтган йили «Дружба народов» журналида эълон қилинган «Қалб амри» номли сўнгги повестгача Шароф Рашидович Рашидов ўзининг реалистик қаламига содиқ бўлиб қолди.

Унинг китоблари биз учун ғоят азиз бўлган социалистик турмуш тарзининг гўзаллигини ва жозиба кучини яққол кўрсатиб берди. У санъаткорга хос ўткир ва меҳрли кўзлари билан дунёга назар ташлаб, жамиятимизнинг қудратли маънавий кучини ҳаммадан ёрқинроқ тасвирлаш мумкин бўлган бўёқларни ана шу дунёдан олди. Кенг кўламда машҳур бўлиб қолган «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» повесть ва романлари, «Кашмир қўшиғи» романтик қиссаси, «Тарих ҳукми» публицистик мақолалар тўплами, кўп миллатли совет адабиётининг туб проблемаларига бағишланган кўпдан-кўп танқидий мақолалар унинг қаламига мансубдир.

Шароф Рашидович СССР Ёзувчилар союзининг ишида актив қатнашди, Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларини империалистларнинг термоядро урушини чиқаришлари хавфига нисбатан урушга қарши қудратли ҳаракатга бирлаштириш ташаббускорларидан бири эди.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясида ҳукм сурган эркесварлик руҳи, ўшанда эълон қилинган энг асосий принциплар ҳаммамизнинг ёдимизда. Ана шу конференция унинг қатнашчилари онгига, сўнгра эса дунёдаги турли мамлакатлар жамоатчилиги онгига Тошкент руҳи сифатида ўрнашиб қолди. Тошкент руҳини тилдан қўймай, у ҳақда ҳамон гапирмоқдалар, уни эсдан чиқармаяптилар. Африка — Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида ҳам ана шу тинчликсеварлик руҳи яна бир бор тасдиқланди. Яна Шароф Рашидович Рашидов шу конференциянинг жон-тани, унинг қалби бўлди.

Азиз дўстимиз, азиз Шароф Рашидович! Биз, совет ёзувчилари сафдошларча қилган меҳнатингиз олдида бош эгамиз. Сизнинг ишларингиз билан китобларингиз биз учун ҳамиша партия ва халққа астойдил хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

Алвидо, қадрдонимиз Шароф Рашидович.

Ш. Р. Рашидов хотирасига бағишланган митинг ёпиқ деб эълон қилинади.

Ш. Р. Рашидов жасади солинган тобут мотам куйи садолари остида тўп лафетига ўрнатилади.

СССР халқлари дўстлиги саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан, Ўзбекистон ҳамда қардош республикалар партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, меҳнат коллективларидан, чет эллик дўстлардан қўйилган кўпдан-кўп гулчамбарлар мотам юришининг олдида кўтариб борилмоқда.

Қизил шойи ёстиқчаларда Ш. Р. Рашидов Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун сазовор бўлган юксак мукофотларни кўрамиз.

Кўчаларнинг йўлкалари минглаб тошкентликлар билан лиқ тўлди. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов билан видолашиш учун бу ерга келдилар.

Кортеж В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ёнидаги паркка етиб келади. Тобут лафетдан супага олиб қўйилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев видолашув нутқи сўзлайди.

Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз мана шу жуда оғир қайғули дамларда видолашаётган инсон — Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзандидир. Унга куч-қувват ва ақл-заковатни, улкан ва сахий қалбни Коммунистик партия билан совет халқи бахш этди.

Шароф Рашидович Рашидовнинг бутун ҳаёт йўли — ажойиб ва порлоқ жасорат — Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларидаги солдат жасорати, омманинг коммунизм сари буюк юришида унинг ташкилотчиси бўлган коммунист жасорати, ёзувчи, ватанпарвар ва интернационалист жасоратидир.

Ленин партияси ва социалистик Ватан тарбиялаган Шароф Рашидович Рашидов ўзининг фарзандлик бурчини астойдил адо этди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг ҳозирги қиёфасида, унинг кўп тармоқли индустрияси гуркираб ривожланишида, ер бағри бойликлари кенг кўламда ўзлаштирилаётганлигида, ирригация ва мелиорация республика тарихида мислсиз даражада ривожлантирилаётганида, пахтачилик, бутун қишлоқ хўжалиги юксалганлигида, фан ва маданият барқ уриб ривожланганида, хуллас ҳамма жойда қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига етакчилик қилган Шароф Рашидович Рашидов илҳомбахш ижодкорлигининг, ақл-заковати, жўшқин, тинимсиз фаолиятининг улуғвор натижалари кўриниб турибди.

Шароф Рашидович партиямизнинг бош йўлини унинг ўзига хос ғайрат-шижоат, ташаббускорлик ва қатъият билан, ишни чуқур билган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб келди. Республика, унинг раҳбарлари, жойлардаги кадрлар ўзларининг барча ишларида ўз ташаббусларида ҳамиша КПСС Марказий Комитети билан унинг Сиёсий бюросининг муттасил қўллаб-қувватлаб, маъқуллашларини ҳис этиб келдилар ва ҳис этмоқдалар.

Оташин ватанпарвар ва эҳтиросли интернационалист бўлган Шароф Рашидович совет кишилари дўстлиги ва қардошлиги ғояларининг тантанаси учун кўп иш қилди.

Шароф Рашидович КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига биноан социалистик мамлакатлар халқлари билан чет эллардаги бошқа давлатларнинг халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир катта катта тадбирларни фаол амалга оширди, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди.

Ленин партиясининг содиқ фарзанди бўлган у ҳамиша ва ҳар жойда халқ билан бирга бўлди, унинг уй-фикрлари ва орзу-умидлари билан яшади, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилди. Республикамиз қиёфаси ва халқи турмуши унинг кўз ўнгида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Шароф Рашидовичнинг сўзи билан иши ҳамиша бир эди! У ўзи билан ёнма-ён, унинг раҳбарлигида яшаб ишлаган кишиларнинг ҳаммаси учун ёрқин, илҳомбахш намуна эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари уни астойдил севиб ҳурмат қилишарди. Шунинг учун ҳам мана шу бугунги видолашув онларида чуқур қайғурмоқдалар, зотан Шароф Рашидович ўзининг бутун ҳаётини халқ бахт-саодати йўлида тўла-тўкис бағишлаганлигини улар биладилар ва қалблари билан ҳис этадилар.

Шароф Рашидович энди орамизда йўқлиги, у ҳаётдан кўз юмганлиги ҳамда унинг ўткир нигоҳи энди ҳайриҳоҳлик билан порлаб турмаслиги фикрига кўникиш қийин.

Шароф Рашидович каби катта арбобларнинг номи ўчмайди. Улар коммунизм идеаллари ғалабаси йўлидаги ўз меҳнатларининг ва курашларининг шонли якунлари билан сафда қоладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарбиялаган партия, совет ва хўжалик кадрлари, коммунистик қурилиш сабоғини олган ишчилар, колхозчилар, фан ва техника, санъат ва адабиёт арбоблари, барча ёшларимиз унинг ишини давом эттирадилар.

Шароф Рашидовичнинг номи ҳамда кўп қиррали фаолияти халқнинг ишлари ва зафарларида абадийлаштирилади. Унинг ажойиб китоблари мангу яшайди.

Ўзбеклар диёри ўзининг энг содиқ, энг атоқли фарзандларидан бири билан видолашмоқда.

Шундай қайғули воқеа содир бўлган экан, азиз Шароф Рашидович, шафқатсиз ажал Сизни орамиздан олиб кетган экан, нима ҳам қила олардик!

Бу ерда, ернинг сўнгги бўсағасида биз Сизга, дўстимиз, биродаримиз, сафдошимизга, шуни айтишни истаймизки, Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида айни бир вақтда юксак кўрсаткичларга эришиш билан бирга бу йил ҳам Ватанга 6 миллион тонна пахта етказиб берилади, деб республика номидан берган ваъдангиз шараф билан бажарилиши учун ҳамма ишни қиладилар. Партия ташкилоти Совет Ўзбекистонини қардош халқлар аҳил оиласида жўшқин ривожлантириш улуғвор режаларини бундан буён ҳам сабот билан амалга оширишга азму қарор бергандир. Шароф Рашидович ўзининг бутун ажойиб ҳаётини мана шу ишга батамом бағишлади.

Ўртоқлар! Жудоликнинг чексиз қайғу-аламини сўз билан ифодалаш қийин. Мана шу сўнгги видолашув дақиқасида биз ҳаммамиз Шароф Рашидовичнинг рафиқаси ва содиқ дўсти, ғоят ҳурматли, ҳаммамиз учун азиз Хурсанд Ғафуровнага, уларнинг фарзандларига, укалари, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига, кураш ва меҳнатдаги ўртоқларига ғоят аламли қайғуларида самимий ҳамдард бўлиб, уларга чуқур таъзия билдирамиз.

Биз доно раҳбаримиз, устозимиз, отамиз ва ўртоғимиз хоки олдида бош эгамиз.

Қалбларимизда абадий ва миннатдор хотира бўлиб қоласиз, унутилмас Шароф Рашидович!

Алвидо, содиқ дўстимиз ва азиз ўртоғимиз!

* * *

Ш. Р. Рашидов жасади солинган тобут қабрга оҳиста туширилади. Милтиқлар ва тўплардан отилган салют садолари гумбурлайди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари янграйди.

Туркистонлик жангчиларнинг бўлинмалари Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди Шароф Рашидович Рашидовга сўнгги ҳарбий иззат-икром бажо келтириб, шаҳдам қадам ташлаб ўтадилар.

(ЎзТАГ).

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН



● Янгийўл озиқ-овқат техникуми талабаси Матлуба Юсупова йиғим-теримда пешқадамлар сафида бормоқда. У ҳар куни райондаги «Партия XXI съезди» колхози пахтазорларида нормасини ортиғи билан бажармоқда.

В. Портнов фотоси.



● Кунлик нормасини ортиғи билан бажаришга эришаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз теримчиси Гулнора Жуасбоева бошқаларга намуна кўрсатмоқда.

С. Абдуллаев фотоси.



● Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда пахтакорлар билан елкама-елка ишлаётган ангренлик Маҳсуда Маматова ҳашарчилар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада ғолибликни қўлдан бермай келаяпти.

Э. Комич фотоси.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ХУШХАБАР КЕТИДАН ХУШХАБАР

• БЕКОБОД

А. Мавлонов номли совхоз заршунослари дастлабки маррага етишди. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик йиллик плани бажарилди. 2780 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан жами 6423 тонна «оқ олтин» она-Ватан хирмонларига етказиб берилди. Хўжаликнинг Абдуқодир Абдураҳмонов, Олим Исмоилов бошчилик қилаётган 2- ва 4-бўлимларнинг пахтакорлари бу ғалабага айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Мурод Норматов, Раҳмон Эшназаров, Мамат Йўлдошев ўртоқлар етакчилигидаги бригадаларда оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширилмоқда. Совхознинг жасоратли дала гвардиячилари умумий ҳосилнинг 4800 тоннасини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олдилар. Темирқул Умаров, Кўчим Жабборов, Зулфиқор Эгамқулов сингари «пўлат от» суворийлари 100—120 тоннадан пахта териб барчага ибрат бўлдилар. Заршунослар қабул пунктларига яна 600 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қлишди.

• ПИСКЕНТ

890 ГЕКТАР майдоннинг ҳар гектаридан 30,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олган Калинин номли колхоз пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватан калининликлардан 2740 тонна юқори сифатли «оқ олтин» қабул қилиб олди. Эргаш Аҳмедов, Эркин Ҳамдамов, Эргаш Мадалиев сингари тажрибали пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Дастлабки довондан ошилган бўлса-да, йиғим-терим жадал давом этяпти. Калининликларнинг мақсади далалардан яна 300 тонна пахта йиғиштириб олиш.

• ЎРТА ЧИРЧИҚ

Коммунизмликларнинг ҳам қувончлари чексиз, бугун. Пахта тайёрлаш плани районда пешқадамлар сафида бажарилди. 980 гектар майдондан 2640 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Ҳасанбой Жуманов, Мамет Жўрабеков, Ислом Жалиловлар ўз агрегатлари ёрдамида 100—110 тоннадан пахта тердилар. «Коммунизм» колхози деҳқонлари умумий хирмонларини 3430 тоннага етказиш учун курашни давом эттиришяпти.

• ОҚҚЎРҒОН

РАЙОНДАН ҳар куни кўплаб хушхабарлар келмоқда. Ўтган куни «Оққўрғон», С. Сегизбоев номли совхозлардан ҳамда «Коммунизм» колхозидан ғалаба рапорти олинди. «Оққўрғон» совхози пахтакорлари 3320 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириб, гектаридан 33,1 центнердан жами 10 минг 870 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 70 процентидан ортиғи биринчи сортга сотилди. Хўжаликнинг Бекки Худойбердиев, Самин Қорабоев, Фахриддин Турдиев сингари пахта усталари етакчилик қилаётган бўлимларда ҳосилдорлик 35—36 центнерни ташкил этди. Механизаторлар машъали Михаил Ковешников нинг ўзи 215 тонна пахта териб берди. Миришкорлар давлатга яна 1200 тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

С. СЕГИЗБОЕВ номли совхоз меҳнаткашлари 11 минг 100 тонналик «оқ олтин» хирмони уйишди. 3415 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан пахта олинди. Асқар Бўриев, Юсуфжон Нишонов, Илья Зимин, Гелўғли Турсунов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди. Ўз имкониятларини кўриб чиққан совхоз миришкорлари ҳосилдорликни 37 центнерга етказиб, яна 1500 тонна пахта сотишмоқчи.

● «Коммунизм» колхози заршунослари ҳам йиллик планни бажардилар. 1051 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирган миришкорлар ҳосилдорликни 31 центнерга етказишди. Моҳир пахтакорлар ака-ука Ҳабиб ва Муллажон Тўрахўжаевлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари барчага ибрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Айни кунларда улар оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

ОҚ ОЛТИН-ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БУКА	0,54	104,67	0,04	105,35
КОММУНИСТИК	0,75	104,52	0,78	106,21
Пискент	1,01	96,66	0,73	67,88
Оққўрғон	1,15	96,15	1,53	95,94
Ўрта Чирчиқ	1,03	94,22	0,17	82,95
Бекобод	1,29	93,26	1,57	62,20
Чиноз	1,16	87,37	1,22	62,04
Ғалаба	1,00	85,82	0,29	67,04
Янгийўл	1,13	76,45	1,70	46,45
Область бўйича:	1,00	93,82	1,00	79,11

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

«Коммунизм»	134,13	144,57	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	128,68	137,44	Бўка
Фрунзе номли	126,53	133,81	Бўка
«Партия XIX съезди»	121,32	120,96	Бўка
«Политотдел»	118,93	128,04	Коммунистик
«Ленинизм»	118,54	120,30	Бўка
«Победа»	111,36	96,40	Ғалаба
Ленин номли	110,57	83,33	Бекобод
«Ленинизм»	110,09	132,29	Оққўрғон
Темирязев номли	109,75	116,07	Бўка
«Ленинский путь»	109,51	119,51	Коммунистик
Свердлов номли	109,47	93,39	Пискент
Охунбобоев номли	107,15	113,91	Ўрта Чирчиқ
«Ленинобод»	106,22	106,11	Бўка
Навоий номли	105,96	153,82	Оққўрғон
Ҳамза номли	105,66	108,25	Бўка
Охунбобоев номли	104,20	70,77	Пискент
Жамбул номли	103,81	104,14	Бўка
«Ленинград»	103,39	72,03	Ғалаба
Куйбишев номли	102,65	108,66	Ўрта Чирчиқ
«Ленин йўли»	102,63	110,18	Ўрта Чирчиқ
А. Икромов номли	102,54	95,99	Ўрта Чирчиқ
Энгельс номли	102,26	76,29	Ғалаба
Мичурин номли	101,97	98,45	Бўка
«Партия XXII съезди»	101,87	62,98	Ўрта Чирчиқ
«Правда»	101,75	109,58	Коммунистик
Ильич номли	101,66	102,37	Бўка
«Ўзбекистон»	100,26	100,11	Коммунистик
К. Маркс номли	100,19	78,73	Чиноз
Энгельс номли	100,16	77,21	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	100,14	59,58	Ўрта Чирчиқ
«Ленин йўли»	99,58	92,75	Бўка
«Коммунизм»	99,58	64,88	Оққўрғон
Калинин номли	99,49	88,33	Пискент
«Партия XX съезди»	99,03	93,59	Бўка
«Коммунизм»	98,83	72,49	Ўрта Чирчиқ
Навоий номли	97,47	73,15	Чиноз
«Коммунизм»	97,42	61,88	Янгийўл
Терешкова номли	96,54	78,99	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	95,51	99,48	Коммунистик
Ленин номли	95,43	100,91	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	94,29	92,17	Оққўрғон
Вотинцев номли	94,23	73,01	Оққўрғон
«Озод»	90,94	85,33	Оққўрғон
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	90,15	76,16	Чиноз
К. Маркс номли	90,00	80,00	Коммунистик
«Октябрь 40 йиллиги»	89,84	64,10	Чиноз
Дзержинский номли	88,98	64,27	Бекобод
Куйбишев номли	88,74	84,77	Оққўрғон
Навоий номли	88,69	26,82	Бекобод
Охунбобоев номли	88,41	74,79	Чиноз
«Победа»	88,39	28,84	Бекобод
«Заря коммунизма»	88,05	94,99	Ғалаба
К. Маркс номли	87,76	89,49	Бўка
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	87,31	69,87	Пискент
«Қизил Октябрь»	86,39	72,41	Чиноз
«Коммунизм»	85,96	50,58	Бекобод
«Ленинобод»	84,72	66,91	Оққўрғон
К. Маркс номли	84,53	87,14	Ўрта Чирчиқ
Ҳ. Олимжон номли	84,41	86,30	Оққўрғон
Энгельс номли	84,37	32,48	Чиноз
«Гулистон»	83,66	68,50	Пискент
Ким Пен Хва номли	83,40	76,93	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	83,33	69,60	Пискент
Киров номли	81,29	50,61	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	79,76	67,79	Оққўрғон
Ленин номли	77,74	26,20	Янгийўл
«СССР 60 йиллиги»	77,03	67,56	Янгийўл
Димитров номли	76,99	57,60	Ғалаба
«Интернационал»	76,04	71,23	Янгийўл
Свердлов номли	75,95	76,28	Ғалаба
Ҳамза номли	75,93	59,65	Ғалаба
«Москва»	75,45	51,44	Чиноз
«Северний маяк»	75,05	43,79	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	74,53	79,09	Ғалаба
Калинин номли	74,18	40,15	Янгийўл
Ниёзов номли	71,48	33,44	Янгийўл
Киров номли	68,36	33,73	Чиноз
«Партия XXI съезди»	68,29	31,40	Янгийўл
«Москва»	68,15	55,35	Ғалаба
«Ленинизм»	66,51	35,16	Янгийўл
Тельман номли	64,19	38,87	Пискент
Турсунқулов номли	61,68	14,40	Янгийўл

СОВХОЗЛАР:

«Партия XXVI съезди»	**102,76**	**65,58**	**Пискент**
«САМИО»	**101,20**	**103,50**	**Янгийўл**
«Оққўрғон»	99,43	104,32	Оққўрғон
1-«Пискент»	97,87	54, 87	Пискент
Мавлонов номли	97,56	79,09	Бекобод
Сегизбоев номли	97,18	109,76	Оққўрғон
«Далварзин»	95,29	65,87	Бекобод
«Ленинград»	94,69	33,88	Бекобод
«ЎзССР беш йиллиги»	94,36	75,68	Ғалаба
«Партия XXV съезди»	92,30	58,07	Бекобод
«Бўка»	91,27	85,53	Бўка
«Бўка» ўқув хўжалиги техникуми	86,67	69,29	Бўка
«Кўкорол»	86,27	93,06	Бўка
«Авангард»	86,13	48,85	Бекобод
Колпакова номли	80,57	18,44	Бекобод
Ойбек номли	79,15	68,18	Бекобод
Киров номли	73,86	43,04	Ғалаба
ТИИИМСХ ўқув хўжалиги	73,77	69,49	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	73,21	50,25	Ғалаба
«Партия XXIV съезди»	72,97	6,92	Чиноз

Халқаро ҳаёт

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● ПРАГА. Прага метросининг энг яхши машинистларига составида 300-вагон бўлган поездни манзилга етказиш ишониб топширилган эди. Бу вагонни Митишчи вагонсозлик заводи етказиб берганди. Пойтахт метрополитени станцияларидан бирида митинг бўлиб ўтди. Бу митингда Москва областидаги ана шу заводнинг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Прага метроси ишга туширилган вақтдан буён, деди пойтахт метроси қурилишидаги бирлашган партия комитетининг раиси Ф. Пата, поездларда қарийб бир ярим миллиард пассажир ташилди. Тезюрар, фойдаланиш учун қулай бўлган бу поездлар Прагадаги барча пассажирларнинг тўртдан бир қисмини ташимоқда.

ЧССР пойтахтида метрополитен қурилиши давом этмоқда: ҳозир яна икки участка графикда белгиланганидан ўзиб барпо этилмоқда.


● УЛАН-БАТОР. Шаҳарнинг марказида жойлашган В. И. Ленин майдони Монголия пойтахтининг энг чиройли жойларидан бири бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда бу ерда оригинал архитектура ансамблини барпо этиш ниҳоясига етай деб қолди. Майдондаги асосий иншоот — В. И. Ленин музейи билан ёнма-ён яқин вақт ичида Монголияда энг катта бўлган 1200 ўринли киноконцерт зали очилади, осмонўпар бино қурилиши тугай деб қолди. Монголия архитекторлари майдонни қуриш лойиҳасини ишлаб чиққан вақтда анъанавий — миллий меъморлик элементларидан муваффақиятли фойдаландилар.

Халқ ҳокимияти йилларида Улан-Батор таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтда обод ва шинам турар-жой биноларининг янги кварталлари, оригинал жамоат иншоотлари, кенг магистраллар ва кўм-кўк массивлар унинг қиёфасини белгилаб бермоқда. Ҳозирги вақтда пойтахтда қурилиш ишлари совет шаҳар қурувчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва 2000-йилгача мўлжалланган бош план асосида олиб борилмоқда. Бу эса ҳозирги замон шаҳрини ривожлантириш проблемаларини қулай ҳал этишга ёрдам бермоқда.

● ЛИССАБОН. Португалиянинг Фигейрада — бош шаҳри муниципалитети ўз шаҳрини «ядро қуролидан холи зона» деб эълон қилиш ҳамда ўз территориясида ядровий қуролларнинг ҳар қандай турини жойлаштиришга ёки унинг территорияси орқали ташишга йўл қўймаслиқ ҳақида қарор қабул қилди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги энг қатта портлардан бири — Калькутта портининг юк обороти тез ўсиб бормоқда. Кейинги беш йил ичида юк обороти икки миллион тоннадан зиёд кўпайиб, ҳозирги вақтда 10,6 миллион тоннадан ошиб кетди. Бунга эса кўп жиҳатдан Ҳиндистон ҳукумати мамлакатнинг «денгиз дарвозаси»ни модернизациялаш ва кенгайтириш программасини амалга ошираётганлиги туфайли эришилди. Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш шу олтинчи беш йиллиқ плани (1980—1985 йиллар) даврида бу программани амалга ошириш учун 5,3 миллиард рупия ажратилди. Бунинг натижасида беш йиллиқ охирига бориб ўнта асосий портнинг ўтказиш қуввати 40 миллион тонна ошади.

(ТАСС, 1 ноябрь).



● Америка Қўшма Штатлари Ливандаги ҳарбий аралашувлари кўламини кенгайтириб бормоқдалар. Бу ерга янги-янги денгиз пиёдачилари, ҳарбий техника жўнатилмоқда. АҚШ ҳарбийлари жафокаш мамлакат тинч аҳолисини Ливан соҳилида турган кемалардан ҳамда қуруқликда ўрнатилган тўплардан нишонга олиб турибдилар. Суратда: Америка ҳарбий вертолётининг бу учувчиси ҳар бир дақиқада Ливан аҳолиси устига ўқ ёғдиришга тайёрдир.

АП—ТАСС телефотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БАЙРУТ. Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиумининг раиси ва Бош министр А. Н. Муҳаммад демократик Яман билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар интернационал бирдамлик принциплари асосида қурилмоқда ва ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, деб таъкидлади. У Ливанда чиқадиган «Ан-Нидо» газетаси мухбири билан суҳбатда демократик Яман билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари муваффақиятли ривожланаётганлигини уқтириб ўтди.

А. Н. Муҳаммад ядро хавфини бартараф этиш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун изчиллик билан курашиб келаётган совет давлатининг ташқи сиёсатига юксак баҳо берди.

ЯХДР раҳбари Ливанга қарши Америка-Исроил агрессиясини кескин қоралади.

КОТОНУ. Учта регионал ташкилотнинг Нигер пойтахти Ниамеяда олий даражада ўтган учрашуви қатнашчилари Ғарбий Африка давлатларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга чақирдилар.

Қурғоқчиликка қарши кураш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва чорвачиликни ривожлантириш қўшма программасини амалга ошириш масалалари, капитал маблағ соҳасидаги сиёсат масалалари Ғарбий Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамжамияти (ЭКОВАС), Ғарбий Африка иқтисодий ҳамжамияти (КЕАО) ва Ғарбий Африка валюта иттифоқи (ЮМОА) конференциясининг диққат марказида бўлди.

(ТАСС, 2 ноябрь).



● Италиядаги Поццуоли шаҳрининг 18 мингдан кўпроқ аҳолиси шаҳар атрофида чодирларда яшаяпти. Шаҳарда ер силкинишлари қайтарилиб турилганлиги туфайли улар ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. 1980 йил ноябрида шу жойда бўлиб ўтган зилзила натижасида 300 дан кўпроқ киши ҳалок бўлган ва 200000 киши бошпанасиз қолган эди. Ўша вақтдан бери сейсмик станциялар шаҳарда 2 мингтадан кўпроқ ер силкинишини қайд этди. Поццуолидаги 1200 тадан кўпроқ бино яшаш учун хавфли деб эълон қилинди. Суратда: шаҳарликлар ана шундай чодирларда яшамоқдалар.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ЯНА БИР ЁЛҒОН

ВАШИНГТОН, 1 ноябрь. (ТАСС). Америка маъмурияти ҳозир АҚШнинг Гренадага қароқчиларча бостириб кирганлиги ва шу суверен орол давлатини оккупация қилиб олганлиги важларини президент Рейган ёлғончилик билан «изоҳлаб» берганлигини бир амаллаб мустаҳкамлаш учун жон-жаҳди билан ташвиқотчилиқ ишларини авж олдирмоқда. Вашингтоннинг бу ҳаракати бутун дунёда ёппасига қоралангаилиги ва уни халқаро миқёсда батамом якkалаб қўйганлиги маълум.

Давлат департаменти вакилининг журналистларга айтишича, гўё Америка қўшинлари Гренадада ҳужжатлар топиб олган эмиш, бу ҳужжатларни у М. Бишоп ҳукуматининг Куба, Совет Иттифоқи ва КХДР билан имзолаган «махфий шартномалари» деб атади. Мана шу «махфий шартномалар»да Гренада қуролли кучларининг вакилларига таълим бериш тўғрисида, шунингдек «бошқа мамлакатлардан» Гренадага «қурол-яроғ етказиб бериш» ҳақида маълумотлар бор, деб даъво қилинмоқда. Давлат департаментининг вакили шу мамлакатларнинг номларини аниқ айтмай ва ишорали иборалар билан гапириб, гўё Вашингтоннинг ихтиёрида ҳақиқатан ҳам мана шундай ҳужжатлар бор, деган таассуротни вужудга келтиришга уринди.

Рейган маъмурияти вакилларининг бундай баёнотлари сариқ чақага ҳам арзимаслиги яхши маълум. Вашингтон Гренададаги агрессия муносабати билан қўпол, ҳавойи уйдирмалар ёрдамида халқаро бандитизмни оқлаш учун биринчи бор разил туҳмат қилаётгани йўқ. Гренадада «Совет ва Куба қуроли омборлари топилди» деган уйдирмани эслатишнинг ўзи кифоя. Рейганнинг айтишича ўша қурол билан «минглаб террорчиларни қуроллантириш мумкин» эмиш. Журналистлар ўша омборларда мутлақо ҳарбий мақсадларда ишлатилмайдиган моддий бойликлар сақланаётганлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Улардан топилган «қурол» эса музейга қўйишга ҳам арзимайди, гап аллақачон эскириб кетган Британия милтиқлари, шу жумладан, 1870 йилда чиқарилган милтиқлар ҳақида борар эди.

Вашингтоннинг агрессия бошлангунча Гренадада гўё минг нафардан кўпроқ кубалик бор эди, уларнинг ярмидан кўпроғи сўнгги жангларда қатнашди, деган даъволари ғирт ёлғон бўлиб чиқди. Ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган фактлар тазйиқи остида Пентагон Куба томони эълон қилган мутлақо бошқа, анча оз маълумотлар тўғрилигини тан олишга кейинчалик мажбур бўлди.

Хўш, Вашингтонга ёлғон гап нега керак бўлиб қолди? — деган савол туғилади. Бунинг сабаби шуки, Рейган маъмурияти ўз авантюраси гирдобига ўралашиб қолиб, ҳеч исботлаб бўлмайдиган нарсани энг виждонсизларча ёлғон ишлатиб бўлса ҳам ҳар қандай йўллар билан исботлашга, ҳеч оқлаб бўлмайдиган нарсани оқлашга киришмоқда. Оқ уйнинг кўрсатмаси билан тўқиб чиқарилаётган янги-янги туҳмат уйдирмалар Америка империализмининг Кариб денгизида жойлашган ва мустақил йўлни танлаб олганлиги учун Вашингтон ҳукмдорларининг дидига ёқмай қолган кичкинагина давлатдан ваҳшийларча ўч олганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни халқаро жамоатчиликдан яшира олмайди.

КУЧ-ҒАЙРАТНИ БИРЛАШТИРИШ КЕРАК

ОТТАВА. Касаба союзларининг миллатлараро корпорацияларга қарши курашига бағишланган икки кунлик халқаро конференция Канаданинг Торонто шаҳрида ўз ишини тамомлади. Унинг ишида АҚШ, Япония, Англия, Франция, Канада, Венгрия, Чехословакия, Мексика ва Колумбиядан — 9 мамлакатдаги 55 та касаба союзлари вакиллари қатнашди.

Конференциядаги мунозаралар касаба союзлари ҳаракатида корпорацияларнинг ишчилар ва хизматчиларнинг иқтисодий ва социал ғалабаларига ҳужумига қарши биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини англаш кучайганлигини яққол кўрсатди. Корпорацияларга жуда катта фойда келтираётган экономикани милитарлаштириш меҳнат аҳли бўйнига оғир юк бўлиб тушади, ишсизликнинг кўпайишига сабаб бўлади, граждан тармоқларини ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш учун сарфланиши мумкин бўлган маблағларни тортиб олади.

Конференция иштирокчилари корпорацияга қарши туриш учун турли мамлакатлар меҳнаткашларининг куч-ғайратини бирлаштириш, муштарак вазифаларни белгилаш ғоят зарур эканлигини уқтириб ўтдилар. Идеологик ихтилофлар касаба союзларининг тинчлик учун ва ядровий уруш хавфининг олдини олиш учун, социал-иқтисодий ислоҳотлар учун, эксплуатациянинг капиталистик системасига қарши халқаро ҳаракатда касаба союзларнинг актив иштирокига ҳалақит бермаслиги керак.

(ТАСС).

Почтасидан

1984 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ҒАЛАБА. Район йўл қурилиши ва ремонти бошқармаси ходимлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажардилар.

Корхонада 3 йил учун белгиланган 2 миллион 170 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари плани оширилиб адо этилди. Мана бир неча кундирки 1984 йил ҳисобига меҳнат қилинмоқда.

Корхона ишчилари ўтган даврда катта ҳажмдаги ишларни бажаришди. Жумладан 36 ўринга 45 километр узунликдаги автомобиль йўллари капитал ремонтдан, 38 километр узунликдаги йўллар ўртача ремонтдан чиқарилди. Область аҳамиятидаги йўллар ёқасига 35 километр узунликда тротуарлар қурилди. Солдатское шаҳрини ободонлаштириш ишларига ҳам анчагина ҳисса қўшилди.

Йўл қурилиш ва ремонти бошқармасининг ютуқларида экскаваторчи Р. Ҳисамутдинов, оператор, асбест-бетон цехининг бригадири Р. Пармонов, прораб Е. Лим, автогрейдерчи С. Турсунматовларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ғ. УМАРОВ.

СОВХОЗДА АМБУЛАТОРИЯ

ЧИНОЗ. Куни кеча «Партия XXIV съезди» совхози марказида янги амбулатория фойдаланишга топширилди. Бу амбулатория совхозининг 1-Май, Учқун, Собир Раҳимов, Ильичовка участкаларидаги аҳолига хизмат кўрсатади.

Малакали шифокор Толиш Анваров бош бўлган бу шифохонада терапевт, болалар врачи, акушер-гинеколог, стоматолог ва санитария врачлари меҳнат қилишяпти.

Т. ЖЎРАБОЕВ.

КИЧКИНТОЙЛАРГА

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида «Автомат спорт ўйинлари» хонаси очилди. Бу хонада «Сув ости жанглари», «Мотоцикл пойгаси», «Яхта» каби автоматлаштирилган спорт ўйинлари бор.

Бу болаларда мерганлик, зийраклик, эпчиллик сингари қобилиятларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Х. ТЕМИРОВ.

БЕШ МИНГТА СОВҒА

ЯНГИЙЎЛ район матлубот жамияти правленеси шу кунларда пахтакорларга доимий савдо хизмати кўрсатмоқда. Кўплаб кўчма дўконлар турли саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотларини пахтакорларга етказиб бермоқдалар.

Бундан ташқари беш минг комплекс турли совғалар ташкил этиб, мусобақа ғолибларига берилди.

Пахтакорларга намунали савдо хизмати кўрсатиш билан бирга матлубот жамиятига қарашли савдо шохобчаларининг 150 ходими йиғимтеримда фаол иштирок этмоқда.

Д. ИСРОИЛОВ.

ҚАДАМЛАРИ ЕТМАГАН ЖОЙ ЙЎҚ

Ленин комсомоли туғилган кун арафасида қалби олов йигит-қизлардан ташкил топган яна бир группа Байкал-Амур магистрали қурилиши томон йўл олди. Группанинг 50 аъзоси бор. Уларнинг кўпчилиги қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнат қилиб катта тажриба тўплашган. Дамир Шарафуллин Тошкентда йўл мастери, Салим Содиқов эса тепловоз машинисти бўлиб ишлаган эди. Энди улар янги магистрал бўйлаб қатнаётган составларни бошқарадилар.

Бундан олдинроқ Саяно-Шушинский ГЭСи қурилишида қатнашиш учун 25 йигит-қиз жўнаб кетган эди. Областимиз вакилларидан токарь Турғунбой Йўлдошев, пайвандловчи Владимир Шанк, дурадгор Абдуҳаким Йўлдошевдан яқинда мактуб келди. Улар ГЭС қурилишида ишни бошлаб юборишибди.

Сургут темир йўл қурилишида иштирок этаётган йигит-қизларнинг ҳам кўпчилиги областимиз вакилларидир. Яқинда улар сафига яна 46 комсомол аъзоси қўшилди.

Мамлакат узра йигит-қизларимиз қадами етмаган жой қолмади ҳисоб. Улар Россиянинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда, «Атоммаш» қувватини оширишда, «Россельмаш» заводини кенгайтиришда ва бошқа объектларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Яна кўпгина ёшлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларида қурилаётган янги-янги объектларда ишлаш истагини билдирмоқдалар. Энг муносиб йигит-қизлар зарбдор қурилишларда ишлаш учун танлаб олинмоқда.



● «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, янги хил устки трикотаж буюмларини тайёрлашни ўзлаштирмоқда. Ушбу суратда бирлашма модельерларидан Татьяна Близнюк (чапдан), Лиля Шарипова, Викторня Аванесова ва Шоира Ғофуровалар ни устки трикотаж кийимларининг янги моделларини муҳокама қилаётган вақтда кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

● Янгийўл шаҳар марказий поликлиникаси кунига мингдан ортиқ беморни қабул қила олади. Унинг даволаш, диагностика кабинетлари, шунингдек, лабораторияларн замонавий медицина асбоблари билан жиҳозланган. Бу ерда терапия, хирургия кабинетлари билан бирга стоматология, даволаш физкультураси ва бошқа қатор хоналари ҳам мавжуд.

Суратда: поликлиника биносининг ташқи кўриниши.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИШГА ТУШИРИЛДИ

● ОҲАНГАРОН. Шаҳар умумий овқатланиш корхонасининг қурилиш бригадаси марказда музқаймоқ билан савдо қилувчи кафе бунёд этди. 50 ҳўрандага мўлжалланган бу ошхона замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, енгил таомлар тамадди қилишга мўлжалланган ошхона ҳам фойдаланишга топширилди.

А. АБДУЛХАҚОВ.

ВЕТЕРАНЛАР ҲУЗУРИДА

● ҒАЗАЛКЕНТ. Товоқсойдаги уруш ва меҳнат ветеранларининг пансионатига шоирлар Сайёр, Зоя Туманова, Анвар Ҳожи, Ўлмас Муҳиддинов меҳмон бўлиб келишди. Улар бу ерда «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги», «Ўзбек шеърияти — тинчлик учун курашда» мавзуларида суҳбатлар уюштиришди. Шоирлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Учрашув ветеранларда катта таассурот қолдирди.

Ана шундай тадбир «Оқтош» санаторийсида ҳам бўлиб ўтди.

И. ПИРМЕТОВ.

УЙ ТЎЙЛАРИ

● КАЛИНИН. Фрунзе номли қишлоқ Советининг посёлка ва қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётир. Байрам арафасида бу ердаги «Рассвет» совхозининг тўрт илғор ишчиси хонадони учун янги кооператив уйларнинг калитлари топширилди. Ҳўжалик қурувчилари бунёд этган уйларда барча қулайликлар яратилган: ошхона, молхона, гараж ва бошқа ёрдамчи хоналар бор. Ана шундай типовой лойиҳа асосида қишлоқ Совети территориясидаги Гагарин номли совхозда 14 та коттеж, «Бўзсув» совхозида 10 та кооператив уй фойдаланишга топширилди.

М. БОТИРОВ.

«ИЛҲОМ» КОЛХОЗ САҲНАСИДА

● ҒАЛАБА. Димитров номли колхозда меҳнат қилаётган пахтакорлар ва ҳашарчилар қош қорайгач хўжаликнинг муҳташам маданият саройига тўпландилар. Бу ерга Оҳангарон районида чиқадиган «Оҳангарон» газетаси қошидаги «Илҳом» ижодкор ёшлар клуби аъзолари ҳам келишди. Пахтакорлар СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Роҳила Ҳафизова, ҳаваскор шоирлар Зарифа Эралиева, Турсунали Жумановларнинг шеърларини, ёш ҳажвчи Абдусамат Абдулхаковнинг ҳикояларини самимий кутиб олдилар. Оҳангарон шаҳар маданият уйининг «Тангеникс», «Нилуфар», «Наргиз» эстрада вокал-чолғу ансамбли бадиий ҳаваскорлари учрашувга якун ясадилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

САНЪАТКОРЛАР ДАЛАДА

● БЕКОБОД. Ўзбек Давлат филармониясининг санъаткорлари мунтазам равишда областимиз пахта далаларида бўлиб, йиғим-терим ишларида пахтакорларга самарали ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Филармониянинг «Гўзал», «Ханда», «Шодлик», «Лазги» ансамбллари коллективлари Бекобод районидаги «Далварзин» совхозида ва «Победа» колхозида теримчилар сафидан жой олдилар. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қ. Искандаров, Ш. Султонов, О. Ёқубовалар қунига белгиланган топшириқни анча ошириб бажариб, бошқа ҳашарчиларга ўрнак бўлмоқдалар.

Д. ҚОДИРОВА.

КУТУБХОНАЧИЛАР ҲИССАСИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ район пахта далаларида механат қилаётган теримчилар орасида район кутубхоналарининг ходимларини ҳам кўриш мумкин.

А. Икромов номли колхознинг учинчи бригадаси «оқ олтин» ҳирмонини ўшишда ўз ҳиссасини қўшаётган Муҳаббат Ҳайдарова, Муқаддам Мамажонова, Гулнора Ҳатамова, Ҳайриниса Султоновалар нинг меҳнатидан ҳамма хурсанд.

А. НОСИРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

«БИНОКОР» — ҚУРУВЧИЛАР КОМАНДАСИ

Қурувчиларнинг ишдан кейинги вақтларини, дам олиш кунларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида 23-қурилиш трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси раҳбарлари спорт секциялари фаолиятини кучайтиришга эътибор бердилар. Айниқса, футбол секцияси машғулотлари кўпчиликни ўзига жалб этди. Механика бўлимининг слесари Ориф Қуртмуллаев, монтажчи Вениамин Рамазонов бошчилигида команда тузилди. Бунга «Бинокор» деб ном берилди. Инженер Тоҳир Усмонов, слесарь Бахтиёр Шерматов, ғишт терувчи Раҳматилла Қоратоев, сувоқчи Мирза Тошмирзаев, монтажчи Тўлқин Давлатов ва бошқалар команда составидан ўрин олдилар.

Аввалига район мусобақаларида қатнашган «Бинокор» футболчилари кейинчалик область биринчилигида иштирок этадиган бўлдилар. Мана уч йилдирки, қурувчилар командаси область чемпиони бўлмоқда. Тинимсиз ўз маҳоратларини ошириб бораётган қибрайлик йигитлар ўтган йили Болгария Халқ Республикасининг Хасково округида ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишди. Улар бу ерда «Дўстлик» кубоги мусобақасининг финалига чиқдилар.

Айни кунларда область биринчилигининг ғолиби — «Бинокор» республика чемпионатида иштирок этмоқда. СССР футбол чемпионатининг иккинчи лигасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун республикамизнинг 24 кучли командаси куч синашмоқда. Улар орасида «Бинокор» ҳам областимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

— Командамиз аъзолари ўз машғулотларини асосан Қибрайдаги спорт комплексида ўтказадилар, — дейди 3-механизациялашган кўчма колонна бошлиги Рихсивой Исоқов. — Маълумки, бу ердаги спорт базаси «Пахтакор» командасига бириктирилган. Айрим ҳолларда машғулотларни ўтказишда узилишлар содир бўлмоқда. Шунинг учун колоннамиз қурувчилари ўз севимли командалари учун спорт базаси бунёд этишга қарор қилдилар.

Айни кунларда Оққовоқ посёлкасида қурилиш ишлари авж олдириб юборилган. Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган спорт базасида барча қулайликлар яратилади. Янги иншоотни келгуси йили ишга тушириш кўзда тутилаётир.

С. МУҲАММАДАЗИЗОВ, Қ. ҒУЛОМОВ. Оржоникидзе райони.

ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРНИНГ РЕКОРДЛАРИ

● Москвадаги «Измайлово» спорт саройида ўтказилган жаҳон ва Европа чемпионати мусобақалари қатнашчилари ўн кун давомида рекордлар жадвалига 23 та тузатиш киритдилар. Деярли ҳар бир вазнда бир эмас, бир нечтадан жаҳон рекордлари ўрнатилди. Уларнинг энг кўпи совет полвонларига тегишлидир. Оғир атлетикачиларимиз 16 та олтин, 13 та кумуш ва битта бронза медалига эга бўлишди. Одатда оғир вазндаги штангачиларнинг бахси чемпионатнинг кульминацион нуқтаси бўлади. Бу сафарги беллашувда икки спортчимиз Александр Курлович ва Анатолий Писаренко ғолиблик учун асосий даъвогарлик қилишди. Ҳар иккала полвон икки курашда бир хил 450 килограмм натижа кўрсатди. Анатолий Писаренко рақибига қараганда 400 грамм енгил бўлганлиги учун чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. А. Писаренко штангани даст кўтаришда 206 килограмм натижа билан жаҳон рекордини ҳам ўрнатди. Совет спортчилари команда ҳисобида 317 очко билан биринчи бўлишди. Болгария оғир атлетикачилари 276 очко билан иккинчи ўринни олишди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● Олий лига командалари ўртасида кечиктирилган битта ўйин бўлди. Пойтахт динамочилари тбилисилик клубдошларини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келдилар. Олий лиганинг охирги тур ўйинлари 6 ноябрда бўлади. Бунда олтин, кумуш ва бронза медали эгалари маълум бўлади. «Пахтакор» шу куни Минск шаҳрида «Динамо» билан учрашади.

Биринчи лига қатнашчилари мавсумнинг сўнгги тур олди ўйинларини ўтказдилар. Жиззахнинг «Звезда» командаси сафарда — Киров шаҳрининг «Динамо» командаси билан учрашиб 2:1 ҳисобида устун келди ва очколарини 38 тага етказди.

«УНИВЕРСИТЕТ» ФИНАЛДА

● Тошкент Давлат университети баскетболчилари бу йил ўзларининг ҳужумкор ўйинлари билан мухлисларни мамнун этишмоқда. Спортчиларимиз Москвадаги иккинчи давра ўйинларини кўнгилдагидек якунладилар ва энди медалларга даъвогарлик қиладиган кучлилар сафида қатнашадилар.

Финал олтиликка кирган командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича: «Жальгирис» — 4 ғалаба, ЦСКА, «Строитель», «Динамо» (Тбилиси) — 3 тадан ғалаба, «Университет»да — 2 та ғалаба, Киев армячиларида очко йўқ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР



ҲАР ТЎҒРИДА

ҚУРОЛНИ УСТУНГА АЙЛАНТИРИШДИ

Запорожье яқинида Днепрдаги Хортица оролининг шу ердаги кўриқхона музейига келувчи меҳмонларга албатта ғалати бир экспонатни — жанговар миномётларнинг стволларидан пайвандлаб кўтарилган 12 метрли электр линия пўлат устунини кўрсатишади.

Экскурсовод узоқ 1947 йил тўғрисида ҳаяжон билан ҳикоя қилади. 3 март куни номи тилларда достон Днепрогэс ток берганди. Шунда қисқа муддат ичида яқин атрофдаги заводларнинг бирига электр линияси тортиш керак эди. Бунинг учун юзлаб пўлат устунлар талаб қилинар, лекин металл йўқ эди. Вазифа бажариб бўлмайдигандек туюларди. Шунда қурувчилар яқинда бўлиб ўтган уруш изларига эътиборни жалб қилдилар — жангоҳлардан йиғилган кўпдан-кўп жанговар миномёт стволлари ётарди.

Бундай ғалати устунлар шу тахлитда пайдо бўлган ва электр линияси белгиланган муддатида ишлай бошлаганди.

ДАРАХТ — ҲАЙКАЛЛАР

Минскдаги М. Горький номли болалар паркида эски чинрий бошлаган дарахтлар теварагига... ҳавозалар қурилди. Ёшини яшаб бўлган улкан дарахтлар янги ҳаёт кечиради: уларни кичкинтойлар суйган эртакларнинг персонажларига айлантиришга қарор қилинди. Шаҳар халқ ижоди уйининг миришкорлари шу буюртмани бажарадиган бўлдилар.

Болалар парки — Минскда энг эски паркдир. У 1800 йилда губернатор боғи сифатида барпо этилганди. Шундан бери парк бир неча бор янгиланди. Лекин ҳозирда ҳам унда икки асрлик дарахтларни учратиш мумкин. Кекса дарахтлар қуриб бормоқда. Илгари улар ўтин қилиб юборилардн халос.

Ана шу дарахт таналарини эртаклардаги персонажларга айлантириб бўлмасмикан? Парк дирекцияси шу қарорга келар экан, икки мақсадни кўзлади: биринчидан ўйма ёғоч ҳайкаллар ажойиб безак бўлса, иккинчидан бу нарса табиатни ардоқлаш сабоғидир.

Ҳозир паркда ўймакорлар ишлашмоқда. Улар ўн метрли ўрмончи бобо ҳайкалини ясамоқдалар. «Тулки ва турна» эртагига ишланган ҳайкалларни тугатаяптилар, ялангликка шўх музикачиларни, ҳайвонларни қўйиб чиқмоқдалар. Ҳайкаллар узоқ яшасин учун уларга антисептик эритмаси сингдирилмоқда, бетига мум ва алиф мойи қопланмоқда.

(ТАСС).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ОЧКЎЗ БАЛИҚЛАР

Чинозлик Иван Федорович Ильинов шимолий Айдарда балиқчилик қилади. Участка бошлиғи. Яқинда у ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлди.


Участка бошлиғи В. Штибер етакчилик қилаётган бригада аъзолари билан балиқ тутаётиб, қирғоқдан уч метрлар чамаси берида сув бетидаги қорамтир пўкаксимон нарсанинг гоҳ қалқиб, гоҳ яширинаётганлигини кўриб қолди. Бу нима бўлди экан? Одатда балиқлар уруғ ташлайдиган баҳор фаслида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Ҳозир эса авжи куз.

Иван Федорович моторли қайиғини сирли воқеа содир бўлаётган томонга бурди. Етиб келди-ю, ўз кўзларига ишонмай қолди: сувда икки йирик балиқнинг ўзаро кураши борарди. Лаққа зоғора балиқни ютиш пайида эди.

Чамаси 40 килограмм келадиган балиқнинг жағидан — росмана қопқондан — каттагина зоғора балиқ қутулишга ҳаракат қиларди. Лаққа эса бор кучини йиғиб, оғзидаги ўлжаси билан сув остига ширинарди. Сўнгра улар сув бетига яна қалқиб чиқардилар. Пайт пойлаб турган зоғора балиқ тутқунликдан қутулиш учун ҳаракатланарди. Бу ҳодиса бир неча бор такрорланди.

Моторли қайиқ балиқларга яқинлашганида улар сув бетида ҳаракатсиз ётишар эди. Кўп ўтмай урушқоқ балиқлар қайиққа юкланди. Балиқчиларнинг аниқлашларича, халқда «сув тулкиси» номини олган кучли зоғора балиқ лаққанинг оғзида қаршилик кўрсатиш билан бирга ўзининг аррасимон ўткир тишларини ҳам ишга солган. Шу боисдан қайиқдаги лаққанинг жабрақанотлари қимир этмай, зоғора балиқники эса очилиб-ёпилиб турарди.

М. МАҲМУТОВ, табиатшунос.



● Юсуп Қаххоров йигирма йилдан бери Октябрь район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида меҳнат қилади. Унинг қўлидан чиққан рўзғорда ишлатиладиган темир буюмлар — самовар, обдаста, қумғон, карнай ва бошқа жиҳозлар сифатлилиги билан ажралиб туради. Суратда: Ю. Қаххоров иш устида.

С. Баранников фотоси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.05 — «Пойгачилар». 11.20 — Алангали йиллар қўшиқлари. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Моҳир қўллар. 16.45 — Тарих саҳифалари. 17.35 — «Заволжье усталари». 18.00 — Киноочерк. 18.20 — Халқ чолғу оркестри чалади. 18,45—Шахмат мактаби. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Спорт кўрсатуви. 21.30 — «Время». 22.00 — Хоккей. «Спартак» — МАСК. 24.00 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — СССР денгизлари. 10.05 ва 14.15 — Испан тили. 10.35 — XIX асрнинг 70—80-йилларида ишчилар ҳаракати ва Россияда марксизмнинг тарқала бошлаши. 10.05 — Астрономия. 11.35 ва 12.35 — Нима қилмоқ керак? 12.00 — Сиз яратган боғ. 13.00 — Илмий-оммабоп фильм. 13.15 — Ўқитувчига музика сабоғи. 14.45 — «Ленин Парижда». Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Камалак. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.50 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — «Время». 22.00 — «Партком секретари». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 —Концерт.

ЎзТВ-I. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Сўз кетидан сўз келар. 18.45 — Қурувчилар ҳақида ҳикоялар. 19.00 — Кузги гастроль. Телевизион фильм. 19.30 — «Ахборот». 20.00 — Қалб амри билан. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Фильм-концерт. 21.30—«Время». 22.00 — Студентлик «оқ олтин» даврим. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 ва 16.30—МТ-II. 18.15 — Ўқитувчи экрани. 18.45 — Биз ҳаммамиз пахтакормиз. 19.20 — Байрамолди рекламаси. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р 02266. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1707. 4 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12